

ГИПЕРТОНИЯ КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШДА ИШЛАТИЛАДИГАН АЙРИМ СИНТЕТИК ДОРИЛАР ВА ТАБИЙИ ВОСИТАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Абдуллажонова Моҳларойим Учқун қизи

Андижон давлат университети табиий фанлар факултети

4-босқич талабаси

abdullajonovamoxlaroyim2@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада гипертония касаллигини даволашда ишлатиладиган айрим синтетик моддалар ва табиий воситаларнинг аҳамияти ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: халқ табобати, гипертония, артериал босим, озиқ-овқат қўшилмалари, қон томирлар.

ЗНАЧЕНИЕ НЕКОТОРЫХ СИНТЕТИЧЕСКИХ И НАТУРАЛЬНЫХ ПРЕПАРАТОВ ОТ ГИПЕРТОНИИ

Аннотация: в этой статье представлена информация о важности некоторых синтетических веществ и натуральных средств, используемых при лечении гипертонии.

Ключевые слова: народная медицина, гипертония, артериальное давление, пищевые добавки, кровеносный сосуд.

THE IMPORTANCE OF SOME SYNTHETIC AND NATURAL DRUGS FOR HYPERTENSION

Annotation: This article provides information on the importance of some synthetic substances and natural remedies used in the treatment of hypertension.

Key words: folk medicine, hypertension, arterial pressure, food additives, blood vessels.





КИРИШ. Ҳозирги кунда аҳоли орасида юрак қон томир касалликлари хусусан гипертония кенг тарқалган касалликлардан ҳисобланади. Гипертония-юрак-қон томирлар системаси патологияси, артериал босимнинг барқарор ва авж олиб меъёридан ортиши, кейинчалик эса органморфологик ўзгаришлар билан кечадиган мураккаб бирламчи ҳолат.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ. Артериал босим нормал ҳолатда қуидагича бўлади:

- 20 ёшгача: эркаклар-123/76, аёллар-116/72;
- 30 ёшгача: эркаклар-126/79, аёллар-120/75;
- 30-40 ёшгача: эркаклар-129/81, аёллар-120/75;
- 40-50 ёшгача: эркаклар-135/83, аёллар-144/85;
- 50-60 ёшгача: эркаклар-142/86, аёллар-159/85.

Гипертония касаллигини келиб чиқишига асабийлик, тушкунлик, стресс, алкогол маҳсулотлари истеъмол қилиш, ортиқча семизлик сабаб бўлади. Гипертония билан ҳасталанган bemorлар бош оғриши, бош айланиши, қулоқлардаги шовқин, кўз нурининг пасайиши каби асосий аломатлардан шикоят қиладилар.

МУХОКАМА. Қуида тиббиётда гипертония касаллигини даволашда фойдаланилаётган айрим синтетик моддалар келтирилган:



Таркибида ушбу моддалар сақлаган ва шунга ўхшаш бир қанча суний йўл билан олинган синтетик дори препаратларининг қон босимини тушириш билан бирга биз билган ва билмаган заарли таъсирлари талайгина. Мисол учун таркибида метилдофа тутган препаратлар нерв системасига таъсир этиб, тинчлантиради, ухлатади, қон босимини туширади лекин, жигар ҳамда иммунологик ҳолатнинг ўзгариши, кўнгил айниши, қусиш, оғиз қуриши, уйқучанлик қаби салбий таъсирлари ҳам кузатилиши мумкин. Клофелин эса, қон босимини тушириш билан бирга организмда натрий ва суюқликни ушлаб қолади, клофелин қабул қилиш бирданига тўхтатилса қон босими тўсатдан кўтарилиб кетади ва ўлим ҳолатига олиб келиши мумкин. Таркибида дибазол сақловчи синтетик дори воситалар қон томирнинг силлиқ мушакларига таъсир кўрсатади, уларни бўшаштиради, томирларни кенгайтириб қон босимини туширади. Бу қаби таъсир этувчи дориларга таркибида папаверин, магний сулфат, эуфиллин сақловчи синтетик препаратларни ҳам киритиш мумкин. Бундай препаратлар Ёши катта bemорларда юракдан чиқадиган қоннинг ҳажмини камайтириб, юрак фаолиятини сустлаштириб юборади.

Юртимизда инсонлар касалликларни олдини олиш ва даволашда халқ табобати усулларидан бир неча минг йиллардан буён фойдаланиб келишмоқда. Табиат неъматлари ҳисобланмиш шифобахш гиёҳлар ва ҳайвонлардан тайёрланган табиий воситалардан оқилона фойдаланиш зарур.

НАТИЖАЛАР. Қуйида халқ табобати ёрдамида гипертония касаллигини олдини олиш ва даволашнинг бир қанча усуллари келтирилган:

1. Қизил лавлаги- калий ва магний элементларига бой бўлиб гипертония касаллигини бартараф этиш ва профилактикасида ижобий натижа беради. Бунинг учун: кунига 3-4 маҳал 1 ош қошиқдан қизил лавлаги шарбати ичилади.

2. Кийик ўти-таркибида бир қанча биологик фаол моддалар бўлиб, унинг дамламаси тинчлантирувчи, оғриқ қолдирувчи, қон босимини туширувчи табиий восита сифатида халқ табобатида кенг қўлланилади. Дамлама тайёрлаш учун: 1 ош қошиқ қуритиб майдаланган кийик ўти устидан ярим литрча қайноқ сув

қүйіб 5 дақиқа дамланади. Кийик үтидан тайёрланған дамламадан кун ора әрталаб ва кечки пайт ярим стакандан истеъмол қилинса қон босимини мейёрига келтиради.

3.Хурмо-таркибида калийнинг юқори микдори туфайли юрак-қон томир касалликларида хусусан гипертонияда яхши натижа күрсатади, юрак фаолиятини яхшилайды, пулсни нормаллаштиради. Бунинг учун ҳар куни 2-3 стакан хурмо шарбатини ичиш ёки үзидан истеъмол қилиш керак.

4.Ялпиз-таркибида ментол сақловчи, үзига хос үткір ҳидга эга ўсимлик. Ментолнинг халқаро номенклатура бўйича номи-(1P,2C,5P)-2-изопропил-5-метил-сиклогексан. Ялпиз ўсимлиги марказий нерв системасини тинчлантиради, қон томирларини кенгайтиради, қон босимини туширади. Ялпиз ўсимлигидан фойдаланиб гипертония касаллигини даволаш учун: ялпиз баргидан 200гр олиб, 2л сувда паст оловда 10 дақиқа қайнатилади. Кунига 3 маҳал 30гр дан оч ҳолда 10 кун давомида ичилади.

5.Зардоб-сузма тайёрлашда ажралиб чиққан сел яъни сарик сув. Зардоб таркибида калий, магний, калсий, темир тузлари, ёд, кобалт, мис микроэлементлари мавжуд. Зардобдан тайёрланған ичимлик қон босимини пасайтиради, иштахани очади, чанқоқни қондиради. Зардоб қайнатилиб, сўнг совитилиб кунига 2-3 стакандан ичилади. Гипертония касаллигига сут ичмаслик керак, у иссиқлик бўлгани учун bemorрга тавсия этилмайди.

6.Қизил узум барги-таркибида flavonoидлар билан бирга полифеноллар, витаминалар мавжуд. Қизил узум барги қон-томир деворларини мустахкамлайды, ҳолатини яхшилайды, қон босимини туширади. Бунинг учун: 40-50гр қуритиб майдаланған ток барги устидан 500мл қайноқ сув қуйиб 10-15 дақиқа қайнатилади, сузиб олиб овқатдан 20 дақиқа олдин 100мл дан кунига 3-4 маҳал илиқ ҳолда ичилади. Қизил узум барги нафақат гипертонияда балки қандли диабет, варикоз касалликларида ҳам самара беради.

ХУЛОСА. Ҳар қандай касалликни олдини олиш ва даволашда аввало соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, шунингдек, режим билан овқатланиш,

жисмоний машқлар бажариш, заарли одатлардан йироқ бўлиш, синтетик дори препаратлардан камроқ фойдаланиш керак. Синтетик дори воситаларнинг организмга салбий таъсирларини билган ҳолда гипертония касаллигини даволаш ва олдини олишда халқ табобати усулларидан фойдаланишни ҳамда табиий биологик фаол озиқ-овқат қўшилмаларидан тартибли равишда истеъмол қилишни самаралироқ деб ҳисоблайман.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- 1.И.Р.Асқаров. “Табобат қомуси”. Тошкент.”Мумтоз сўз”,-2019
- 2.И.Р.Асқаров. “Сирли табобат”. Тошкент. “Фан ва технологиялар нашриёт –матбаа уйи”,-2021. 1276
- 3.С.С.Азизова. “Фармакология”. Тошкент. “Янги аср авлоди”,-2006. 2506

Интернет сайтлари:

1. www.avitsenna.uz
2. www.daryo.uz